

**“ПАДАРКУШ” ДРАМАСИДА ЖАДИД ҒОЯЛАРИНИНГ БАДИЙ
ТАЛҚИНИ**

Кўчқорова Марҳабо Худойбергановна,

филология фанлари доктори

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фользори институти

етакчи илмий ходими

Аннотация: Мазкур мақолада Жадид маърифатпарварларининг драма яратишдан асл мақсади ва Маҳмудхўжса Беҳбудийнинг “Падаркуши” миллий фожиасидаги жадид ғояларининг бадиий талқини таҳлил этилди.

Калим сўзлар: ўзбек жадидчилик ҳаракати, драма, Падаркуши, миллий фожиавий асар.

Ўзбек жадид драматургияси ва театри тарихини тадқиқ этган олимлар бу соҳадаги адабий тажрибалар XX асрнинг 10-йилларида бошланганини қайд этишади¹. Олимлар ўзбек адабиётида сахна учун мўлжаллаб ёзилган драматик жанрлар (драма, трагедия, комедия) аввало, халқ театри санъати, сўнгра, рус драматургияси ва театри, татар драматургияси ва театри, озарбайжон драматургияси ва театри таъсирида шаклланганини эътироф этишиб, илмий-назарий аспектда тадқиқ қилишган. Жадид маърифатпарврлари учун драматургия оддий халқ билан яқиндан муносабат ўрнатиш, яқинлашиш, халқнинг онгини очиш, жамиятда авж олган диний бидъатлар ва хурофотлардан қутилиш, илмсизлик ортидан авж олаётган жоҳилликлар, исрофгарчиликлар, маънавий-ахлоқий бузуқиликлар учун кўзгу бўлмоғи лозим эди. Жадидлар ўзларининг илм-маърифат ўрганиш, тараққийпарвар, онги очиқ инсон бўлиш ҳақидаги ғояларини драматургия жанрлари орқали бадиий ифодалаб, ҳатто ўzlари режессёр, актёр бўлиб, сахналаштириб, оммага намойиш қилишди. Туркистанда миллий ўзбек драматургияси ва миллий театр пойдеворини қўйишида жадид маърифатпарврлари Маҳмудхўжа Беҳбудий,

¹ Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 320 б;

Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Абдулла Бадрий, Ҳожи Муъин, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби ижодкорлар катта роль ўйнади. Жадидлар “Театр” санъатига “Нажот йўли” деб қарашди. Шунинг учун ҳам, улар “Турон” труппасини тузиб, ҳатто унинг низомини ҳам яратишиди. Бу ўринда адабиётшунос С.Ахмаднинг “Миллатпаноҳ” номли мақоласидаги қуйидаги узинтига эътибор қаратамиз: “1913 йил июнь-июль ойларида “Турон” труппаси ўзининг норасмий спектаклини кўрсатади. Труппанинг ташкилий ва тарғибот ишларига Мунаввар қори фаол аралашади, Хусусан, кўрсатилган томоша ҳақида маълумот беради: “... шаҳар бодининг ёзлик театрусида бир маротаба испектакл қўйиб, юз сўмга яқин фойда қилди, бунинг устига ушбу августнинг 8 куни рамазон муносабатила, Шайх Ҳованд Тахур боғида биринчи маротаба “Томоша кечаси” ясалди, ушбу тошоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тариқа бўлди: сотилган билетлардан 1387 сўм 54 тийин...” (*Мунаввар қори ушибу воқеани Татаристонда босилган “Қуёши” газетасининг 1913 йил, декабр сонида эълон қилган. – таъкид. С.А.*) Мунаввар қори ва дўстларининг шу тариқа “хеч кимнинг шикоят ва ҳақоратига қулоқ солмай қилган сайдъ ва ҳаракатлари” жамиятга ҳам, халққа ҳам ... жиҳатдан фойдалар келтиради”. Ана шу маънавий фойда туфайли ёш тараққийпарварлар, жумладан, буюк инсон Мунаввар қори “Мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти “Турон”ни чор ҳукуматига расмий тан олдиришга эришдилар. Ҳукумат труппа низоми билан. “Турон” труппаси ва жамиятининг низомида (уставида) қуйидаги тартибда баён қилинган:

“А) Халқ орасида жиддий ва саҳна ишига ҳамда хайрияга муҳаббат уйғотиши.

Б) Халқ учун спектакль қўйиб, соғлом томоша кўрсатиш.

В) Туркистан үлкаси ҳудудида яшовчи мухтоҷ мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш”². Низомда белгиланганидек, жадидлар драматик асарлар яратиб, уни ҳалқа саҳналаштириб, намойиш этиш орқали уларнинг қалбида драматик жанрга, театрга муҳаббат уйғотиши, театрдан тушган маблағларни хайрия ишларига жалб этишни режалаштиришади. Шунингдек, жадид драматурглари ҳалқа профессионал қалам билан ёзилган бадиј жиҳатдан соғлом адабий асарларни саҳнага қўйиши мўлжаллашади. Театрдан тушган маблағларни режали тарзда кам таъминланган ижтимоий қатламга эҳсон қилиш, уларнинг моддий ва маънавий таъминотини яхшилашни назарда тутишади.

Жадид драматургияси ва театрининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган драматурглар (Беҳбудий ва бошқалар) ўзлари ҳам “Театр нима?”, “Театр ҳақида” сингари адабий танқидий мақолалар ҳам ёзишди. Уларнинг нега драматургия жанрига қўл ургани, театрлаштирилган саҳналарни томошибинларга тақдим этишдан кўзлаган мақсадлари ва ниятлари айнан ёзилган мақолаларда акс этган. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий “Теётр надур?” мақоласида шундай ёзади: “Теётр надур? Жавобиға теётр ибратномадур, теётр ваъзхонадур, теётр таъзир адабидир. Теётр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда кўзлуклар кўруб, кар-қулоқсизлар эшитиб, асарланур. Хулоса, теётр ваъз ва танbih этгувчи ҳамда заарарлик одат, урф ва таомилни, қабиҳ ва зарарини аёнан кўрсатгувчидир”³. Демак, Беҳбудий ҳазратлари “Театр”ни “Кўзгу”, “Ибратнома”, “Ваъзхона”, “Одоб берувчи” восита деб таърифлайди. Жадид драматургиясини тадқиқ этган адабиётшунос Ш.Ризаев таъбири билан айтсак, “Миллатни маърифат нури билан уйғотиб, озодлик ва тараққиёт тантанасини орзулаган жадид зиёлилар маслак йўлидаги буюк амаллардан бири театр деб, тушундилар ва шу

² Аҳмад С. Миллатпеноҳ / Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Мен сенданмен... – Тошкент: Инфо капитал гроуп, 2023. – Б. 42.

³ Беҳбудий М. Теётр надур? / Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1997. – Б. 150.

йўлда саъй ҳаракат бошлаб, қисқа бир муддатда ғоят шоён самараларга етишдилар”⁴.

Маълумки, илк ўзбек драмаси Маҳмудхўжа Беҳбудий номи билан боғлиқ. Адибнинг “Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли (Туркистон майшати ҳаётидан олинган ибратнома)” (1911 йил) асари ўзбек драматургиясининг илк намунаси ҳисобланади. Мазкур драма жами З парда тўрт манзарали, миллий биринчи фожиавий асардир. Трагедияда Бой, Тошмурод (бойнинг ўғли, 15-17 яшар), Домулла (янги фикрли мулла, 30-40 яшар), Зиёли (миллатчи мусулмон), Хайрулло (Бойнинг мирза ва маҳрами, 18-20 яшар), Тангриқул (Бойнинг қотили), Давлат ва Нор (бўз болалар), Лиза (рус хотини), Артун (армани майхоначи), Пристуф, Бойбучча (Бойнинг хотини, 35-40 ёш) каби персонажлар иштирок этади.

Илк саҳна асари “Падаркуш”да отасининг қотилига айланган ўқимаган Тошмуроднинг, Бой хонадонининг фожиаси аслида Туркистоннинг улкан фожиасидир, деган ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммо ўртага ташланади. Беҳбудий ўқимаган боланинг хатти-ҳаракатлари, ота-боланинг илмсизлиги, жоҳиллигини кўрсатиш орқали даврнинг улкан фожиасига томошабин дикқатини қаратади. Зеро, фожиавий асар қаҳрамони Зиёли шахс тилидан айтилган ушбу гаплар, жадид маърифатпарварларининг асл мақсадини, жамиятда олиб бораётган маънавиятни ислоҳ қилиш ҳақидаги фикрларини тасдиқлади. “**Зиёли. Ҳозир янги ва бошқа замондур.** Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқни бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетгандек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз мусулмонларни ўқутмоқға сай қилмоғимиз лозимдур, ваҳоланки, дини шарифимиз ҳар нав нафлик илм ўқумоқни бешикдан мозоргача бизларга фарз қилингандир. Бу хукм – ҳукми шариатdir. Биз мусулмонларга, алалхусус, бу замонда икки синф уламо керакдур: бири олими диний, дигари олими замоний.

⁴ Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 51.

Олими диний: имом, хатиб, мударрис, муаллим, қози, муфти бўлуб, халойиқни диний ва ахлоқий ва руҳоний ишларини бошқарап, бу синфга киратурғон талабалар, аввало, Туркистонда ва Бухорода илмий, диний ва арабий ва бир оз русча ўқуб, сўнгра Макка, Мадина, Миср ва истамбулга бориб, улми динияни хатм қилсалар керак, ёки комил мулло бўлсунлар (бой мудрайдур), англадингизми бой?”⁵. Зиёли тилидан айтилган бу фикрларда драматург Беҳбудий Туркистон ва Туркистонликларнинг, мусулмонларнинг катта фожиаси, илмсизлиги, илмсизлик ортидан миллатнинг ахлоқи, дини, обрўйи заифлашиб бораётганини драмада муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммо сифатида тасвирлаган. Драматург адиб мазкур мўъжазгина фожиавий саҳна асари орқали халқ кўзини очмоқчи бўлади. Миллат ўз фарзандларини ўқитмас экан, жамият, мамлакат жаҳолат ботқоғига ботиб, бола ўз отасига, қиз ўз онасига пичоқ ўқталишини, узлуксиз фожиалар занжири шаклланишини башорат қиласиди.

Илк фожиавий драма нашри ва театри томошасидан сўнг, ўзбек драматургияси соҳасида жонланиш юз берди. Беҳбудий Туркистон халқининг ижтимоий-маънавий-маърифий ҳаётидаги илмсизликни улкан муаммо сифатида кўтариб чиқсан бўлса, ундан сўнг Абдулла Қодирий “Бахтсиз куёв”, Нусратулла Қудратулла ва Ҳожи Муъин Шукрулла ҳаммуаллифликда “Тўй”, Абдулла Бадрий “Жувонмарг”, Ҳожи Муъин “Эски мактаб, янги мактаб”, “Кўкнори”, “Мазлума хотун” драмаларини яратди. Бу драмалар том маънода, жадид адабиётининг муҳим эстетик идеалларини, адабий-эстетик принципларини ўзида ифодалади. Бу драмалар жадидларнинг жамиятни тубдан ислоҳ қилиш ҳақидаги орзулари йўлида ёзилган. Ҳар бир драмада Туркистон ва Туркистонликларнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий, сиёсий, майший муаммолари танқид остига олинган.

⁵ Беҳбудий М. Падаркуш ёхудўқимаган боланинг ҳоли. Миллий фожеа / Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1997. – Б. 43.

Жумладан, “Тўй” (Н.Қудратилла, Ҳожи Муъин) деб номланган саҳна асари “Туркистон майшатидан олинган 4 парда ва 4 манзаралик театр рисоласи” дейилган. Жадид драмаларининг қай бирини олмайлик, драма сарлавҳасидан сўнг, албатта “Туркистон майший ҳаётидан олинган” деган иборага дучлашамиз. Масалан, “Тўй. Туркистон майшатидан олинган 4 парда 4 пардалик театр рисоласи” (Н.Қудратилла, Ҳожи Муъин), “Бахтсиз қуёв. Туркистон ҳаётидан олинғон тўрт пардалик фожиа” (А.Қодирий), “Жувонмарг. Туркистонликлар майшатидан олиниб ёзилган тўрт фожиадур” (А.Бадрий) деб номланган. Ҳатто Беҳбудийнинг “Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли. Туркистон майшатидан олинган ибратнома” деб номланишида умумий муштараклик, муайян бир тизим, жамиятда кўзга ташланиб турган улкан муаммоларни жадид драматурглари бирлашиб, ҳамфир, ҳаммаслак бўлиб халққа томоша сифатида саҳналаштириб намойиш этиб, халқнинг дунёқарашига, маънавиятига таъсир ўtkазиш учун қилган саъий ҳаракатлари яққол кўзга ташланади.

Жадид драматурглар қаламга олган образлар ва саҳна кўринишларида илмсизлик, тўй ва аза маросимларини ўтказишдаги исрофгарчиликлар, судхўрлик, қўпкарибозликнинг салбий оқибатлари, баччабозлик, майшат ва ишратпарастлик, фоҳишабозлик, кўкнорибозлик, бекорчилик (бўз болалик) сингари миллатнинг ёмон ишлари танқид тифи остига олинади. Табиийки, бу драмаларда иштирок этган персонажлар орасида илмли, миллатчи, тараққийпарвар Зиёли, Домулла, Мирзо, жадид образлари учрайдики, улар мудом томошабиннни илм-маърифатли бўлишга, комил инсон бўлишга даъват этади.

Хулоса шуки, Беҳбудийнинг илк фожиавий драматик асари “Падаркуш”да илм-маърифатни эгаллаш даъват ғояси бадиий талқин этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Беҳбудий М.Танланган асарлар. (Нашрга тўплаб, тайёрловчи ва Кириш сўзи муаллифи: Б.Қосимов). – Тошкент: Маънавият, 1997. – 232б.
2. Каримов Н. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Ҳаёти. Фаолияти. Тақдирি. – Тошкент: Академнашр, 2022. – 320 б.
3. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Мен сенданмен... (Нашрга тўплаб, тайёрловчи ва Кириш сўзи муаллифи: С.Аҳмад). – Тошкент: Инфо капитал гроуп, 2023. – 528 б.
4. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 320 б.